

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
20-iyun

SHANBA

№ 50 (13911)

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi


1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Тошкент вилояти:

ХУДУДЛАР УЧУН
РИВОЖЛАНИШ НАМУНАСИ

Ташриф давомида меҳмонлар вилоятнинг турли ҳудудларида ташкил этилган замонавий корхоналар, инновацион марказлар ва истеҳсолот лойиҳалар фаолиятини ўрганиб, уларнинг амалий натижалари билан танишдилар.

ИЛМ-ФАН ВА АГРОБИЗНЕС
УЙҒУНЛИГИ

Делегациянинг дастлабки маърузи Янгийул туманида жойлашган "Agrobank" томонидан ташкил этил-

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни ошириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида қилинаётган ишлар натижасида кўплаб ҳудудларда самарали бошқарув ва ривожланиш моделлари шаклланимоқда. Ана шундай илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарларидан иборат делегация Тошкент вилоятида бўлиб, ҳудудларда амалга оширилаётган йирик инвестициявий, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва инфратузилмавий лойиҳалар билан яқиндан танишмоқда.

ган "AGROLAB" лабораторияси бўлди. Ушбу марказ замонавий қишлоқ ҳўжалигини илмий ёндашув асосида ривожлантиришга хизмат қилаётган муҳим объектлардан бири ҳисобланади.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

Футболчиларимиз жуда катта тажрибага эга жамоага қарши кучли характери билан намойён қилди. Биз учун илк жаҳон чемпионатидаги илк голимиз – бу ҳам ғалаба!

Шавкат МИРЗИЁЕВ.



БИРИНЧИ ГОЛ



"Гол" нимадир, воз кечилган ҳаловатдир, Эр йиғитлар шиддатига далолатдир, Дунёларни ҳавас билан қаратувчи Туронзамин қудратига кафолатдир.

"Оқ бўрилар", Худо берган йўлларингдан, Фаришталар қўйсин ўнг-сўлларингдан. Жаҳон футбол дарвозаси кутиб олган – Айланайин энг биринчи голларингдан!

Маъмура ЗОҲИДОВА

3-саҳифада ўқинг ➔➔➔➔

БОЛАЛИКНИНГ
сەҳрли оламу

▼ Мактабгача таълим

Хабарингиз бор, юртимизда мактабгача таълим тизимига қаратилаётган эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, йиллар давомида эскириб, замон талабларига жавоб бермай қолган боғчаларни қайта таъмирлаш, уларни болалар учун хавфсиз, шинам ва замонавий таълим масканларига айлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Бу саъй-ҳаракатлар мактабгача таълим қамровини кенгайтиришга, болаларнинг соғлом ва баркамол ўсишига мустаҳкам замин яратмоқда.



4

ZANGIOTADA ZAMONAVIY
SAVDO MAJMUASI QURILADI

Toshkent xalqaro investisiya forumi ▼ Hamkorlik doirasida Zangiota tumani hokimi Erkin Rustamov Xitoy Xalq Respublikasining ST Wonderful (Hong Kong) Co., Ltd. kompaniyasi rahbari Fan Syaotszyun hamda kompaniya vakillari bilan uchrashuv o'tkazdi.

Muloqot davomida tumanning investitsiyaviy salohiyatini yanada oshirish, yangi ish o'rinlari yaratish, tadbirkorlik va xizmat ko'rsatish sohalarini rivojlantirish masalalari muhokama qilindi.

Tomonlar qiymati 11,5 million AQSH dollariga teng zamonaviy Lifestyle savdo kompleksi – MOL loyihasini Zangiota tumanida amalga oshirish bo'-

yicha o'zaro kelishuvga erishdilar.

Mazkur loyiha hududda zamonaviy savdo infratuzilmasini shakllantirish, aholi uchun qulay xizmatlar ko'lamini kengaytirish, yangi ish o'rinlarini yaratish hamda tumanning investitsiyaviy jozibadorligini yanada oshirishga xizmat qilishi kutilmoqda.

Toshkent viloyati hokimligi
Axborot xizmati

▼ Янги лойиҳа



“Ақлли суғориш”

сувдан фойдаланиш
самарадорлигини оширади

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг чекланиб бораётгани ва қишлоқ ҳўжалигида сувдан самарали фойдаланиш масалалари дунё давлатлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу эса сув ҳўжалиги соҳасига замона-

вий технологияларни жорий этиш, рақамли бошқарув тизимларини кенгайтириш ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ана шундай истиқболли ташаббуслардан бири Тошкент вилоятининг Пискент туманида амалга оширилмоқда. Бу ерда «Марказий

Осиёда рақамли ва интеллектуал суғориш (AI-Based Smart Irrigation)» халқаро амалий-инвестицион лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Лойиҳа Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда Хитой Халқ Республикаси Сув ресурслари вазирлиги ҳузуридаги «Сариқ дарё» лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида амалга оширилаётгани унинг аҳамиятини янада оширади.

2

Viloyat
bo'ylab

CHIRCHIQ shahrida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 239-son qarori bilan tasdiqlangan Nizom asosida "Ayollar daftari"ning 7-bosqichini yuritish tartibiga bag'ishlangan seminar tashkil etildi. Tadbirda yangi Nizomga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar yuzasidan batafsil ma'lumot berildi. Xususan, "Ayollar daftari" bo'yicha toifalar soni 6 tadan 5 taga qisqartirilgani, ko'rsatiladigan xizmatlar soni esa 23 tadan 46 taga oshirilgani ta'kidlandi. Shuningdek, har bir toifa doirasida nazarda tutilgan xizmatlar, ularni taqdim qilish tartibi hamda amaliyotga joriy etish mexanizmlari atroflicha tushuntirildi.

YANGIYO'L shahrida fuqarolar xavfsizligini ta'minlash, huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish hamda mahallalarda osoyishta va xavfsiz muhitni yaratish maqsadida tungi reytd tadbirlari o'tkazilmoqda. Ularda ichki ishlar bo'limi xodimlari, mahalla fuqarolar yig'inlari raislari hamda jamoatchilik vakillari faol ishtirok etishmoqda. Reydlar davomida mahallalardagi kriminogen vaziyat o'rganilib, tungi vaqtda tartib-intizomga rioya etilishi, fuqarolarning xavfsizligi va osoyishtaligini ta'minlash masalalari-ga alohida e'tibor qaratilmoqda.

OHANGARON shahar prokurori M.Umarov sportning erkin kurash turi bilan muam-molarini tinglanib, ularni hal etish yu-zasidan tegishli tavsiyalar berildi. Shuning-dek, sportda yuqori natijalarga erishib kelayotgan bir guruh yoshlarga esdalik sovg'alari topshirildi.

TOSHKENT tumani favqulodda vaziyatlar bo'limi boshlig'i U.Maxamatjonov tuman hududidagi korxona va tashkilotlar hamda avtomobillarga yoqilg'i quyish shaxobchalarini rahbarlari ishtirokida yig'ilish o'tkazdi. Unda tuman hokimining "Tuman hududida 2026-yilgi cho'milish mavsumida suv ob'yektlari (havzalari)da fuqarolarning cho'kib ketishi bilan bog'liq baxtsiz hodisalarning oldini olish hamda fuqarolar xavfsizligini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoyishi ijrosini ta'minlash masalalari muhokama qilindi. Shuningdek, mas'ullarga yoz mavsumini talafotlarsiz o'tkazish bo'yicha aniq topshiriqlar berildi.

Лабораторияда тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилинади, фермер ва деҳқон хўжалиқларига илмий-амалий тавсиялар берилади. Натижада экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш имконияти яратилмоқда.

Мутахассислар томонидан меҳмонларга лабораториянинг техник имкониятлари, амалга оширилаётган тадқиқотлар ва қишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Кейинги манзил "Yangiyo'l Agrostar" компаниясига қарашли замонавий ис-

ерда делегация аъзолари замонавий қурилиш ва энергия самарадорлиги йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишишди.

Хусусан, Австриянинг дунёдаги етакчи муҳандислик компанияларидан бири саналган "ILF Consulting Engineers" иштирокида кўп қаватли уй-жойларни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Лойиҳа доирасида биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш, иссиқлик йўқотилишининг олдини олиш ва замонавий муҳандислик-коммуникация тизимларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, делегация аъзолари тумандаги умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган модернизация ишлари билан ҳам танишди.



Тошкент вилояти:



сиқхона мажмуаси бўлди. Тўрт гектар майдонда барпо этилган лойиҳа қисқа вақт ичида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омилига айланди.

Хитой технологиялари асосида ташкил этилган иссиқхона комплексидан бугунги кунда 130 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган. Корхонада йил давомида юқори сифатли маҳсулот етиштириш имконини берувчи замонавий иситиш ва совутиш тизимлари жорий этилган бўлиб, бу технологиялар мамлакатимиз учун янги тажриба дея эътироф этилмоқда.

Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3 минг тоннани ташкил этадиган мажмуада етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда.


Меҳмонлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишар экан, замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этдилар.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ташриф дастурининг навбатдаги манзили Чиноз тумани бўлди. Бу

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

ҲУДУДЛАР УЧУН РИВОЖЛАНИШ НАМУНАСИ



нологияларни жорий этиш ва саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар намойиш этилди.

Шунингдек, технопарк ҳудудида инвесторлар учун яратилган муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, логистика имкониятлари, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда янги лойиҳаларни жойлаштириш учун мавжуд шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАНБАИ

Тошкент вилоятида ташкил этилган ушбу амалий танишувлар ҳудудларда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини намойён этишга қўлmaid, балки тажриба алмашишнинг муҳим платформасига ҳам айланди.

Қишлоқ хўжалиги, саноат, энергия самарадорлиги, агротуризм ва инвестицияларни жалб этиш йўналишларида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳудудларни ривожлантиришнинг замонавий моделини яратмоқда. Энг муҳими, ушбу тажрибалар аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент вилоятининг бугунги ютуқлари ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги изчил ишловлар натижаси бўлиб, мазкур тажрибаларни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг жорий этиш мамлакат тараққиётига янги суръат бағишлаши шубҳасиз.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Меҳрибдин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

▼ Тадбиркорлик

ИСТИҚБОЛЛИ САНОАТ КОРХОНАСИ

озик-овқат хавфсизлигини
мустаҳкамлашга
хизмат қилади

Маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратиш бугун иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Янгийўл туманида барпо этилиши режалаштирилган замонавий ёғ-мой корхонаси ана шу мақсадларга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалардан бири саналади.

Маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратиш бугун иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Янгийўл туманида барпо этилиши режалаштирилган замонавий ёғ-мой корхонаси ана шу мақсадларга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалардан бири саналади.

Шу билан бирга, корхона фаолияти йўлга қўйилгач, қирққа яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бу эса ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилалар даромадини оширишга хизмат қилади.



Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат саноати иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Айниқса, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва экспортбop маҳсулотлар турини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги "Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳани янги босқичга олиб чиқиш, рақобат муҳитини шакллантириш ва маҳсулотлар сифатини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ислохотлар доирасида Янгийўл туманида "STABLE AND PERFECT" МЧЖ томонидан замонавий ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича ишлар бошланди.

Лойиҳага кўра, корхонада кунига 30 тонна пахта чигити чуқур қайта ишланиб, қадокланган пахта ёғи, маргарин, сариёғ, шунингдек, озуқавий ва техник саломат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Энг муҳими, объект аҳоли яшаш ҳудудларидан тахминан бир километр узоқликда жойлашган бўлиб, унинг фаолияти жамоат саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди.

Соҳада маҳсулот сифати ва технологик жараёнлар устидан назоратни таъминлаш мақсадида ваколатли ташкилотлар томонидан тегишли мониторинг ишлари олиб борилиб, лойиҳалар ижроси юзасидан зарур тавсиялар бериб келинмоқда.

Мазкур объектни жорий йилнинг сўнгига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бугун хом ашёни шунчаки сотиш эмас, уни қайта ишлаб, қўшимча қиймат яратиш давр талаби ҳисобланади. Туманда амалга оширилиши кутилган мазкур лойиҳа ҳам маҳаллий ресурсларни самарали ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим ташаббуслардан бири бўлиши кутилмоқда.

Шерзод ШАЙМАНОВ,
"Ўзгориш инспекция"
Тошкент вилояти бошқармаси бош мутахассиси



“Ақлли суғориш”

сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади

Ҳозирги босқичда Хитой томонидан келтирилган сунъий интеллект асосида ишловчи юқори технологияли «ақлли суғориш» қурилмаларини ўрнатиш, уларни соzлаш ва рақамли бошқарув тизимларига интеграция қилиш ишлари изчил давом этмоқда.

Лойиҳа доирасида автоматлаштирилган гидротехник затворлар, сув сатҳи ва босимини аниқ ўлчайдиган рақамли қурилмалар, интеллектуал сенсорли мониторинг тизимлари, автоном метеорологик станциялар, қуёш энергияси билан ишлайдиган бошқарув модуллари ҳамда масофавий маълумот узатиш воситалари жорий этилмоқда.

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

Бу эса сув хўжалигини рақамли бошқаришда мутлақо янги ёндашувларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Айниқса, «Оҳангарон – Далварзин» ирригация тизими бошқармаси ҳудудида қурилаётган 400 метрлик каналга интеллектуал затворларнинг ўрнатилиши лойиҳанинг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади.

— Замонавий қурилмалар сув сатҳи ва сарфини реал вақт режимида кузатиш, сув оқими автоматик бошқариш ҳамда исрофгарчиликнинг олдини олиш имконини яратди, — дейди «Оҳангарон – Далварзин» ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Нодир Тулаганов. — Сунъий интеллект алгоритмлари эса йиғилган маълумотларни таҳлил қилиб, сувни экин майдонларига эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда энг мақбул тарзда тақсимлашга хизмат қилади.

Айни пайтда хитойлик мутахассислар иштирокида усқуналарни калибровка қилиш, дастурий таъминотга улаш, рақамли мониторинг платформалари билан мувофиқлаштириш ҳамда интеллектуал бошқарув тизимларини тест режимида синовдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг аҳамияти фақат замонавий қурилмаларни ўрнатиш билан чекланмайди. У сув ресурсларини рақамли мониторинг қилиш, иқлим ўзгариши таъсирида юзага келаётган сув танқислиги хавфларини олдиндан баҳолаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда инсон омилини камайтириш орқали бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, келгусида ушбу технологияларни мамлакатимиз сув хўжалиги соҳасининг ягона рақамли бошқарув платформасига интеграция қилиш режалаштирилган. Бу эса сув ресурсларини бошқаришда очиклик, аниқлик ва самарадорлиқни таъминлаш билан бирга, аграр соҳада рақамли трансформация жараёнларини янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Пискентда амалга оширилаётган мазкур лойиҳа замонавий технологиялар ва халқаро ҳамкорлик уйғунлашган ҳолда сув ресурсларини асраш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда келажак авлод учун барқарор сув таъминотини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Муаллиф олган суратлар



Мазкур кун юртимиз учун ўзгача бўлди. Футбол байрами юқори савияда ўтказиш мақсадида республикадаги барча туман ва шаҳар марказларига, шунингдек, 208 та мактабга катта мониторлар ўрнатилиб, футбол мухлисларига терма жамоамизнинг учрашувларини биргаликда томоша қилишлари учун шариоит ҳозирланди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан мазкур учрашув муносабати билан республикадаги барча давлат ташкилотларида иш вақти бир соат кечроқ бошланди. Бу ҳам «миллиардлар ўйини» ихлосмандлари учун янада қулайлик яратди.

Шу кунги барча ҳудудларда бўлгани каби Нурафшон шаҳрида ҳам аксар мухлислар тарихий учрашувни ҳақиқий ишқибозлар билан катта мониторлар қаршида кузатишди. Хусусан, вилоят марказида жойлашган «Ватанпарвар» боғида катта экран ўрнатилиди. Бу ерда терма жамоамизнинг Колумбияга қарши тарихий учрашувини Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев минглаб мух-



лислар билан бирга кузатди.

— Бу кун ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири, — дейди мухлислардан бири. — Мен Бекобод туманида яшайман. Иш фаолиятим Тошкент шаҳрида бўлгани боис, учрашувни пойтахтга яқин бўлган ҳудуд — Нурафшон шаҳрида томоша қилишга қарор қилдим. Очиғи, бу ерда мухлислар учун яратилган шариоит кишини қувонтиради. Шу кунги футбол баҳонасида бошқа ҳудудда яшовчи вилоятдошлар билан танишдим, улар билан терма жамоамиз-



ни бирга қўллаб-қувватлади. Спорт инсонларни бир-бирига яқинлаштирувчи куч эканига яна бир бор амин бўлдим. Ҳамюртларимизнинг Португалияга қарши учрашувини ҳам шу ерда томоша қилишни, бу гал бутун оилам билан келишни режалаштиряман.

АҚШ, Канада ва Мексика майдонлари мезбонлик қилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг 1-тур учрашувлари якунланди. Мазкур турда халқимиз 34 йил қутилган орзу — миллий терма жамоамизнинг мундиалдаги иштирокига гувоҳ бўлишди.



Эътиборли жиҳати, гарчи учрувда вакилларимиз 1:3 ҳисобида имкониятни бой беришган бўлса-да, ҳеч бир мухлис улардан ранжимади. Аксинча, уларни тарихий гол билан табриклаб, ижтимоий тармоқлар орқали қўллаб-қувватлашди, кейинги баҳсда омад тилашди.

Давлатимиз раҳбари ҳам уларга далда бериб, «Футболчиларимиз жуда катта тажрибага эга жамоага қарши кучли характери ни намоён қилди. Биз учун илк жаҳон чемпионатидаги илк голимиз — бу ҳам ғалаба» дея таъкидлади. Албатта, бу қўлловлар



қарийб 12 минг километр узоқда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган ўғлонлар учун катта куч бағишлаши табиий.

Дарвоқе, вакилларимиз кучли рақибга қарши мағлубиятга учрашларига қарамай ўз номларини тарихга



йиниш хоналарини тартибга солиб кетишди ва бу орқали ўзбекистоннинг ўзига хос маданиятини бутун дунёга намоиш қилишди. Кетар чоғида чарм тўп усталаримиз мексикалик мутасаддилар томонидан кўрсатилган ҳурматга жавобан махсус доскага «Muchas Gracias Mexico! Muchas suerte en el MUNDIAL!» («Катта раҳмат, Мексика! Жаҳон чемпионатида омад. Раҳмат!») дея қайд қолдиришди. Бунга қадар бутун дунё япон халқининг шундай маданиятини билар, уларни ҳурмат қилар эди. Энди эса бу одат фақат кунчиқар юрт вакилларигагина хос эмаслигини, ўзбеклар ҳам бундай маданиятга эга эканини бутун дунё билди.

Кейинги баҳс 23 июнь кунги ушбу жаҳон чемпионатида голиблик учун асосий даъвогарлар қаторида эътироф этилаётган Кристиану Роналду бошчилигидаги Португалияга қарши бўлиб ўтади. Умид қиламизки, мазкур учрашувда вакилларимиз янада ёрқинроқ ўйин намоиш қилишиб, миллионлаб мухлисларни хушнуд этишади.

ОЛФА, ОҚ БУРИЛАР!
Сухробжон САДИРОВ

▼ Ижтимоий ҳимоя

Инсон ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этган жойда умид ва ишонч мустахкам бўлади. Айниқса, имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартиради.

Олмалик шаҳрида Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими қошида ташкил этилган ижтимоий корхонанинг тантанали очилиши шу йўналишдаги ишларнинг амалий ифодаси бўлди. Маълумотларга кўра, корхона «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маҳаллий қарорларини қабул қилишда иштироки» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Мазкур лойиҳа Швейцария Тарақиёт ва ҳамкорлик

агентлиги томонидан молиялаштирилиб, «Ўзбекистонда маҳаллий фуқаролик жамиятини мустахкамлаш» дастури доирасида амалга оширилди. 2 йилга мўлжалланган лойиҳанинг мақсади ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг фуқаролик фаоллигини кучайтириш, ҳуқуқий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, касбий кўникмаларини ривожлантириб, бандлигини таъминлашдан иборат.

Очилиш маросимида лойиҳани амалга оширувчи ташкилот вакиллари билан бир қаторда Ўзбекистон ногиронлар ассоциациясининг Ангрен ва Олмалик шаҳар бўлинмалари, донор ташкилот вакиллари ҳамда ҳамкор ташкилотлар — Олмалик шаҳар ҳокимлиги, «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази, бандлик бўлими, Савдо-саноат палатаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



— Лойиҳага кўра, ногиронлиги бўлган шахсларни маҳаллий қарор қабул қилиш жараёнида яқинлаштириш энг муҳимидир, — дейди Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Шаҳноза Абдурахмонова. — Шу мақсадда 50 нафар фаол иштирокчи ва бўлажак етакчилар учун махсус ўқув дастурлари ташкил этилади. Шунингдек, «Инклюзивлик етакчилари» клуби фаолияти йўлга қўйилиб, бу иштирокчиларнинг ҳуқуқий билимлари, лидерлик ва фуқаролик фаоллиги кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Улар жамоатчилик кенгашлари фаолиятига жалб қилиниб, ўз манфаатларини маҳаллий да-

ражада бевосита ифода этиш имкониятига эга бўладилар. Таъкидланишича, лойиҳа доирасида рақамли қўллаб-қувватлаш тизими ҳам ишлаб чиқилади. Ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштирилган махсус телеграм бот орқали уларга бепул ҳуқуқий маслаҳат, психологик ёрдам ва ишга жойлашish бўйича кўмак кўрсатилади. Ушбу платформа 24 соат фаолият юритиб, камда минг нафар фойдаланувчи учун тезкор ва махфий мурожаат қилиш имконини яратади.

Шунингдек, Ангрен ва Олмалик шаҳарларида ташкил этилаётган ижтимоий корхоналар орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг иқтисодий

мустақиллигини таъминлаш кўзда тутилган. Жумладан, Олмалик шаҳрида очилган ижтимоий корхонада 5 нафар ногиронлиги бўлган шахс доимий иш билан таъминланди. Ҳар йили эса камда 20 нафар иштирокчи касбий таълим олиб, амалий тажриба ўташ имкониятига эга бўлади.

Яқунда иштирокчилар янги ижтимоий корхона фаолияти билан танишиб, келгусида унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ҳамкорлики янада кенгайтириш бўйича фикр алмашдилар. Бу ташаббус қўллаб-қувватлаш учун ишонч, умид ва мустақил ҳаётга ташланган муҳим қадам сифатида эътироф этилди.

Ўз муҳбиримиз

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

▼ Халқаро мусобақа

Бўстонлик туманидаги «Green Hills Resort» дам олиш масканида «Пахлавон Маҳмуд — Баҳодирлар ўйини» халқаро турнири доирасида «Farhod Challenge III» халқаро мусобақаси ташкил этилди.

БАҲОДИРЛАР ЎЙИНИ



Тошкент вилояти ва Бўстонлик тумани ҳокимликлари ҳамда Туризм қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада дунёнинг 16 мамлакатидан ташриф буюрган 18 нафар кучли пахлавон иштирок этди.

Мурасасиз кечган баҳсларда спортчилар икки кишилик жамоалар таркибида эстафета, арқон билан автомобиль торттиш, тош улоқтириш, юк билан айлана бўйлаб ҳаракатланиш ҳамда ҳовуздаги кураш синовларида ўз маҳоратларини намоиш этишди.

Яқуний натижаларга кўра, грузиялик Ника Лейкадзе ва озарбайжонлик Айдин Хумбатов жуфтлиги биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Эрон ва Туркия вакиллари билан иборат жуфтликка насиб этди.

Ҳамюртларимиз Муҳаммадали Тухтаматов эса жамоадoshi жароҳат олганига қарамай, матонат ва ирода намунасини кўрсатиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Аxbорот хизмати

▼ Ўзлон

“ОҚЎРҒОН ВА ҚУЙИ ЧИРЧИҚ АГРОСЕРВИС МТП” МЧЖ КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-164-сонли қарорига асосан «Оқўрғон ва Қуйи Чирчиқ Агросервис МТП» МЧЖ «Тошкент Агросервис МТП» МЧЖга бирлаштириш йўли билан тугатилганлигини маълум қиламиз.

Барча масалалар бўйича Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл кўчаси, 115-уй ёки қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (90) 058-51-51, (99) 028-03-83.

“Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ тугатиш комиссияси

14 ЙИЛДА УШАЛГАН ОРЗУ

Оҳангарон туманидаги “Убайд” маҳалласида яшовчи Бекзод Сулаймоновнинг оила аъзолари ўн тўрт йиллик сарсонгарчиликлардан сўнг орзуларига етдилар.

Гап шундаки, бу оила кўп йиллар маҳалладан 32 километр узоқликдаги фермер хўжалигида чорва боқиб кун кечирди. Ўз бошпанасига эга бўлиш улар учун ушалмас орзу эди. Аммо инсон тақдирига бефарқ бўлмаган маҳалла тизими, ижтимоий хизматлар ва савоатпеша инсонларнинг ҳамжиҳатлиги бу оиланинг ҳаётини бутунлай ўзгартирди.

Айтиш жоизки, мазкур маҳаллада аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва манзилли ҳал этиш тизими йўлга қўйилган. 750 та оила истиқомат қиладиган маҳаллада 87 нафар ногиронлиги бўлган шахс яшайди. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири

турганини яхши англаган маҳалла фаоллари аҳоли билан доимий мулоқотда.

— Йил бошидан буюн фуқаролардан 167 тадан ортқ мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 92 фоизи ижобий ҳал этилди, — дейди ижтимоий ходим Зиёда Дуйшабаева. — Бу рақамлар ортида эса Бекзод Сулаймонов каби инсонларнинг тақдирини бор. Оила давлат таъминотидаги оилалар реестрига киритилиб, уларнинг яшаш шариоити, ижтимоий эҳтиёжлари ўрганилди. Болаликдан ногиронлиги бўлган ўғли Умиджон Ортиқбоев тиббий-педагогик комиссияга йўналтирилиб, Оҳангарон шаҳридаги




7-сон махсус мактабга жойлаштирилди. Айниқса, маҳалла фаоллари ва ҳомийлар ташаббуси билан оила учун беш хонали ўй қуриб берилгани, уларнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Бундан ташқари, Бекзод Сулаймонов фермер хўжалигига доимий ишга қабул қилинди. Ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим кўмагида 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, ун бош кўй харид қилди. Бу оилага барқарор

▼ Матбуотимиз тарихидан

Матбуот – бу шунчаки ахборот тарқатувчи восита эмас. У давр руҳини акс эттирувчи кўзгу, миллат тафаккурини шакллантирувчи маънавий куч, халқ ҳаётининг тиррик солномасидир. Айниқса, ўтган асрнинг шиддатли ва мураккаб йилларида газета саҳифаларида меҳнат қилган ижодкорлар нафақат журналист, балки жамиятнинг маънавий таянчи сифатида ҳам майдонга чиққан эдилар. Улар ҳаёт қайноғи ичида юриб, халқ дардини қалбдан ҳис қилдилар, замон овозини қаламга кўчирдилар ва матбуотни ҳақиқий ижод мактабига айлантирдилар.




«Feniks Oversiz Limited» фирмасидир. Улар янги корхонанинг мустақкам оёққа туриши ва самарали фаолият юритиши учун ҳар томонлама кўмак кўрсатмоқдалар.

Энди бевосита «Фильм'С» ойнамаси ҳақида тўхталсак. Нашр ўз саҳифаларида ҳинд киноси ва унинг машҳур ижодкорлари ҳақида қизиқарли материаллар билан бир қа-

қолмайдими, деган саволни беришмоқда. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Чунки ҳар икки нашрнинг мақсад ва вазифалари турлича. «Кино» ойнамаси республика экранларига чиқарилаётган фильмларни тарғиб қилишга йўналтирилган бўлса, «Фильм'С» асосий эътиборни Ўзбекистон ва Ҳиндистон кино санъатига қаратади.

Албатта, иқтисодийимиз мураккаб босқични бошдан кечираётган бугунги шароитда янги қўшма корхона ташкил этиш осон эмас. Лекин тажрибали муассисларимиз ва ҳамкорларимизнинг кўмаги бизга катта куч бағишламоқда.

Президентимизнинг Ҳиндистонга қилган таширифи икки мамлакат муносабатларини янги босқичга кўтариш учун мустақкам замин яратди. Айнан шу ҳамкорлик муҳити тўғрисида «Самандар» қўшма корхонаси



БОЛЛИВУДГА ЙЎЛ ОЧГАН ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИ

Қарийб бир асрлик тарихга эга «Шарқ ҳақиқати» ва унинг вориси бўлган «Тошкент ҳақиқати» газеталари ана шундай улкан ижодий муҳитни шакллантирган қутлуғ даргоҳлардан бири ҳисобланади. Бу таҳририятларда меҳнат қилган адиб ва журналистлар нафақат миллий матбуотимиз, балки ўзбек адабиёти ва публицистикаси тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси фахрийлари билан бўлган давра суҳбатида отахон журналистлардан бири ҳамкасбларини ҳазил аралаш: «Болливудга дарс берган ўзбек журналистлари», деб таърифлаб қолди. Ўшанда даврадошлар самимий табассум билан кутиб олган бу ибора бежиз айтилмаган, унинг ортида катта ҳақиқат бор эди.

Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳинд киноси юртимизда катта машҳурликка эришган эди. Кинотеатрлар олдида узун навбатлар пайдо бўлар, томошабинлар бир фильмни қайта-қайта кўриш учун чипта излаб юришарди. Болливуд юлдузлари ҳақидаги мақолалар ва суратлар эса қўлма-қўл ўқилар, хонадонларнинг энг кўзга кўринарли жойларидан ўрин оларди.

Интернет ҳали ҳаётимизга кириб

келмаган ўша даврда ҳинд киноси ҳақидаги ҳар қандай маълумот муҳлислар учун ҳақиқий бойлик саналган. Ана шу эҳтиёжни ҳис қилган бир гуруҳ ташаббускор ижодкорлар 1992 йил бошида ўзбек ва ҳинд кино санъатини ёритишга бағишланган «Фильм'С» журнаliga асос солдилар.

Юртдошларимиз томонидан қизиқш билан қарши олинган ушбу нашрга «Самандар» Ўзбекистон Ҳиндистон қўшма корхонаси директори Мўътабар Қаримова бош муҳаррир этиб тайинланди. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг тажрибали журналистлари Убайдулла Абдушохидов, Аббор Имомхўжаев, Миржалол Миралиев ва Шахноза Абдушохидова журналнинг илк жамоасини ташкил этдилар.

Иқтисодий қийинчиликлар тўғрисидаги журналнинг умри узокқа чўзилмаган бўлса-да, у қисқа вақт ичида катта шўхрат қозонди. «Фильм'С» нафақат Болливуд муҳлисларининг қанқоғини қондирди, балки юртимизда кино журналистикасининг ўзига хос мактабини яратишга ҳам хизмат қилди.

Куни кеча ўша даврда «Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлаган ҳамкасбимиз Аббор Имомхўжаевдан ноёб тўхфа олдик. Бу – бундан 34 йил

аввал ушбу журналнинг дастлабки сонидан эълон қилинган илк мақола эди.

“САМАНДАР” – ОЛОВ ИЧИДА ТУГИЛГАН ОРЗУ

Ҳар қандай мустақил давлатнинг қудрати, аввало, унинг иқтисодий салоҳияти ва ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланганлиги билан белгиланади. Шу боис Ўзбекистон ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларида қўшма корхоналар ташкил этиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратди. «Самандар» Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма корхонаси ана шундай эзгу мақсадлар самараси сифатида дунёга келди.

Аввало, «Самандар» номи ҳақида икки оғиз сўз. Шарқ ривоятларида Самандар оловда туғилиб, чўғлар бағрида улғайган, машаққатлардан кўрқмайдиган ва эзгу мақсадлар йўлида мангу яшовчи афсонавий жонот сифатида тасвирланади. Қўшма корхонамиз ҳам мамлакат ҳаётида катта ўзгаришлар юз бераётган, мустақилликнинг дастлабки оловли йилларида ташкил этилди. Шу боис янги корхонамизга яхши ният билан «Самандар» номи берилди.

БОЛАЛИКНИНГ сеҳрли олами

Бунинг амалий намунасини Тошкент туманидаги «Саодат» номли 30-давлат мактабгача таълим ташкилотидagi кенг қўламли янгиланишларда ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур боғча 1984 йилда қурилган бўлиб, узок йиллар фаолият юритган. 2024 йилда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан инвестиция дастурига киритилиб, 4,5 миллиард сўм маблаг эвазига 3 қаватли бино қурилди. Шунингдек, ҳомийлар кўмагида боғчанинг 5 та эски биноси тўлиқ таъмирланди.

Натижада ташкилотнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки ички муҳити ҳам бутунлай янгиланди. Барча гуруҳ хоналари замонавий юмшоқ ва қаттиқ инвентар жиҳозлар, телевизорлар, дидактик ўйинчоқлар,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

идиш-товуқлар билан таъминланди. Кузатув камералари ўрнатилиб, назорат тизими мустақамланди.

Аввал 165 ўринга мўлжалланган боғча реконструкциядан сўнг 600 нафар болани



қабул қилиш қувватига эга бўлди. Натижада 9 та гуруҳ фаолияти йўлга қўйилиб, 25 та янги иш ўрни яратилди. Бу билан нафақат болалар қамрови кенгайди, балки маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланди.


Боғча ҳовлисида ҳам болалар учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, ёзги айвончалар қурилди, боғча ҳудуди девор билан ўралиб, болалар дунёсига хос ранг-баранг расмлар билан безатилди. Му-

ассаса ўртасида барпо этилган мўъжазгина боғ атрофга файз бағишлаб турибди.

– Айни пайтда тарбияланувчиларимиз ёзги соғломлаштириш машғулотида фаол иштирок этишмоқда, – дейди мудира Зиёда Мағрупова. – Машғулотлар учун боғча ҳовлисида махсус бассейн, турли кичик кўчама аттракционлар ҳамда хавфсиз ўйин майдончалари ўрнатилди. Очиқ ҳаводаги ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия машғулотлари болаларнинг иммунитетини мустақамлаб, уларни жисмонан чиниқишига хизмат қилмоқда. Бу болаларнинг соғлиги ва кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатяпти.

Тасвирга олиш баҳонасида болаларни кузатар эканмиз, кўзларида қувонч ва бир олам завқни кўрдик. Ҳаттоки, ўзимизнинг ҳам болаликка қайтгимиз келди. Фарзандларимиз мустақил давлатда, тинч-осойишта ва эркин ҳаёт кечираётганларига шукр қилдик.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган суратлар



▼ Нимкоса

БИЗГА ҲАМ... ЎЧГАНИ КЕРАК-ДА!

(Мумти ҳаже)

Алло, алло! Ёнгинни ўчириш идорасими?
– Ҳа, ёнгин бўлдимми?
– Уй ёнғипти.
– Қаерда?
– Қишлоқда.
– Қишлоқнинг номи?
– “Узқишлоқ”.
– Қандай уй, кўп қаватлими?
– Йўқ. Бир қаватли.
– Уйнинг томи шиферми?
– Ҳа, шифер.
– Уй бетон билан бос-тирилгани ёки ёғоч?
– Ёғоч, шекилли.
– Аниқ айтинг.
– Ёғочдан.
– Биз борадиган йўл асфальтми?
– Қишлоққа асфальт.
– Кўприклар созми?



– Саз.
– Машинани заправка қилишга анҳор ёки зовур борми?
– Бор.
– Анҳор ёнгин бўлаётган жойдан неча километр узоқда?
– Икки километр-ов.
– Ёнгин нимадан чиқди?
– Билмадим.

– Ёнгин пасаймадими?
– Йўқ, ёнғипти.
– Бизни қаерда қутишди?
– “Узқишлоқ”қа кира-веришда.
– Ким, эракми ёки аёл?
– Эрак-да, албатта.
– Қўлида нима бўлади?
– Қизил мато.
– Ёнаётган уй эгасининг исми?
– Аллакули.
– Фамилияси?
– Жиянбоев.
– Нечанчи йилда туғилган?
– Ҳе, қанақа одамсиз ўзи? Бунақада келгунларингча ёнгин ўчиб бўлади-ку!
– Аслида бизга ҳам ўчгани керак-да...

Барди ЖУМАНИЁЗОВ



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda” gazetalarini
tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G’afurjon MUHAMEDOV,
Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,
Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,
Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,
Otabek SULTONBEKOV, G’ayrat SHERALIYEV,
Kumush EGAMBERDIYEVA,
Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
To’xtamurod HASANBOYEV

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 21:20. Nashr ko’rsatkichi – 205.
8 080 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-635.
Ofset usulida bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik
kompaniyasi
bosmaxonasida
bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon
ko’chasi, 41-uy.